



TASHKENT OASIS IN THE EARLY MIDDLE AGES: FACTORS OF DEVELOPMENT OF SOCIO-ECONOMIC LIFE AND URBAN CULTURE

X. Yusupova

Dean

Oriental University

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Tashkent, Middle Ages, social, economic, life, urban planning, culture.

Abstract: This article analyzes and discusses the topic of the Tashkent oasis in the early Middle Ages: factors in the development of socio-economic life and urban culture.

Received: 19.06.25

Accepted: 21.06.25

Published: 23.06.25

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ ВА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

X. Юсупова

Декан

Ориентал университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Тошкент, ўрта асрлар, ижтимоий, иқтисодий, ҳаёт, шаҳарсозлик, маданият.

Аннотация: Ушбу мақолада Тошкент воҳаси илк ўрта асрларда: ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва шаҳарсозлик маданияти ривожланиш омиллари мавзуси таҳлил ва муҳокама қилинган.

ТАШКЕНТСКИЙ ОАЗИС В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ: ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ И ГОРОДСКОЙ КУЛЬТУРЫ

X. Юсупова

Декан

Ориентал университет

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Ташкент, средние века, социальный, экономический, быт, градостроительство, культура.

Аннотация: В статье анализируется и обсуждается тема Ташкентского оазиса в раннем средневековье: факторы развития

Тошкент воҳаси ўз географик жойлашувига кўра Марказий Осиёнинг турли қадимги тарихий-маданий ўлкалари – Фарғона водийси, Еттисув, Уструшона ва Суғд ҳудудларини ўзаро боғлаб тутувчи ўлка сифатида қадимдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Қадимда Чоч, ўрта асрларда Шош ва Тошкент номлари билан аталиб келинган бу воҳа ўз навбатида иккита тарихий-маданий вилоятни - Илоқ ва Шош воҳаларини ўз ичига олган. Қадимги Илоқ воҳаси Оҳангарон дарёси водийсида, уни қуршаган Чотқол ва Курама тоғ тизмаларининг ҳудудлари – Жанубий Чотқол, қисман Оҳангарон платосида, Курама тоғ тизмасининг ғарбий тармоғини ўз ичига олади. Ўтмишда бу ҳудуд Шимоли-Шарқий Мовароуннахрнинг машҳур кончилик маркази бўлиб, унинг олтин ва қумуш конлари Шарқнинг ўрта асрлардаги барча тарихий манбаларида тилга олинган. Ҳозирги вақтда бу ер Ўзбекистоннинг тоғ-кон саноати ҳудуди бўлиб, ёнилғи, қурилиш материаллари ҳамда металлургия саноатининг бир қанча тармоқларига маъданли хом ашё беради. Тавсифланаётган ҳудуд, яъни Илоқ воҳаси шимоли-шарқда Қирғизистоннинг Талос вилояти (Терс дарёсининг ҳавзаси) билан, жанубишарқда – Фарғона водийси билан чегарадош, жануби-ғарбда у Сирдарё ҳавзасига, шимоли-ғарбда эса – Чирчиқ водийсига туташади. Оҳангарон дарёси ҳавзасининг умумий майдони – 7710 км² бўлиб, дарёнинг боши Чотқол тизмасининг жануби-ғарбий ёнбағрида, 3500 м баландликда жойлашган. Тошкент воҳаси энг қадимги даврлардан бошлаб Марказий Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган тарихий-маданий ўлкаларидан бири бўлиб келган. Иқтисодий ҳаёт ривожидекхончилик ва яйлов чорвачилиги, тоғ-кон ишлаб чиқариши ва ҳунармандчиликнинг кўплаб тармоқлари фаолиятида, йирик қишлоқлар ва шаҳарларда ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқалар босқичма-босқич ривожланиб келгани мисолида кўриш мумкин. Тошкент воҳаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ижтимоийсиёсий, иқтисодий ва маданий, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик ҳамда диний марказлар сифатида пайдо бўлган ва ривожланиб келган йирик шаҳарлар мисолида кўриш мумкин. Олиб борилган тарихий-археологик тадқиқотлар натижасида Тошкент воҳаси тарихининг қадимги босқичида 13 та шаҳар типдаги манзилгоҳ қайд этилган. Шаҳарларнинг умумий майдони ўртача 416 гектар, аҳолиси – 45-50 минг кишидан иборат бўлган. Жами аҳолининг ярмидан кўпи воҳанинг ғарбий қисмидаги шаҳарларда яшаган. Шаҳарларнинг аксарияти воҳанинг ғарбий қисмидаги текисликларда, Сирдарё ёқасида ҳамда унинг асосий ирмоқларининг қуйи қисмида, минтақанинг марказий ва шимолий қисмларида жойлашган

1. Дастлабки босқичда шаҳарлар жойлашган ҳудуд қадимги бургулик (бурхонли сўзи асосида) маданиятининг ўзагига мос келади. Бу босқичда Сирдарё минтақадаги шаҳар

ҳаётининг ўзаги ҳисобланган. Минтақада шаҳар маданиятининг шаклланишида Суғд зироатчилари билан қадимги алоқалар катта рол ўйнаган. Сирдарё фақат чегара бўлибгина қолмасдан, фаол алоқалар ҳудуди бўлиб ҳам хизмат қилган. Айни пайтда, ягона давлат бирлашмаси доирасида қуйи Сирдарё қабилалари ҳамда Шимолий Фарғона билан алоқалар ҳам ривожланиб борган. Бу ҳолда ҳам дарё ўзаро маданий муносабатларни боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилган. Суғд меъморчилик анъаналарининг таъсирида вужудга келган қадимги шаҳар манзилгоҳи ва милоддан аввалги II-I асрларга оид манбаларда қайд этилган Юйни мулкининг биринчи пойтахти Сирдарё яқинида жойлашгани бежиз эмас

2. Аммо мазкур босқичнинг охиридан, айниқса, Қовунчи II да манзара ўзгара бошлайди. Девор билан ўралган шаҳарлар Чирчиқ ва Оҳангароннинг ўрта оқимида, чўл, адирлар билан чегараларда, тоғ олди ҳудудларида, яъни ўтроқ ва кўчманчи қабилаларнинг чегараларида ҳамда чорвадорлар яшайдиган ҳудудларда вужудга келади. Воҳада шаҳарларнинг ривожланиши зироатчиликнинг жадал ривожланиши, анча ривожланган суғориш тизимининг ташкил этилиши, Чирчиқ ва Оҳангароннинг ўрта оқимида ерлардан фойдаланишнинг тартибга солиниши, мазкур дарёларнинг юқорисидаги баланд тоғ воҳаларига зироатчиларнинг келиб ўрнашиши билан бирга кечади. Ундан ташқари, Чоч шаҳарлари таракқиёти, ҳунурмандчилик, аввало, тоғ кончилиги ва металлургиянинг ривожланиши халқаро қарвон йўллари асосий тармоғининг шимолга ҳаракатланиши, Яксарт (Сирдарё) бўйлаб алоқаларнинг давом этиши қўшни Суғд ва Тохаристон билан алоқаларнинг мустаҳкамланишига олиб келди

3. Бу ҳолат Қанғ давлатининг парчаланиши натижасида ажралиб чиққан мустақил Чоч вилоятининг ўз мавқеини мустаҳкамлашга ва янги сиёсий бирлашма сифатида янги иқтисодий алоқалар ўрнатишга интильганидан далолат беради. Илк ўрта асрларда шаҳарлар ўртасида маълум интеграция жараёнлари содир бўлади. Бу даврда шаҳарларнинг икки гуруҳини ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга нисбатан зич қурилган, босқичмабосқич ривожланиб, қарвон йўллари ёки хомашё ресурслари билан боғлиқ бўлган шаҳарлар киради. Шаҳарлар асосан Сирдарё (Яксарт) ёқасида жойлашгани минтақада шаҳар маданиятининг ривожланиши устувор аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Шунингдек, Яксарт фақат чегара вазифасини бажармасдан ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги алоқалар ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этган. Бундай алоқалар натижасида дарёнинг ўнг қирғоғида шаҳар кўринишидаги манзилгоҳлар пайдо бўла бошлади. Мил. авв. III асрда бунёд этилган Қанка (Қанға) қалъаси бунга мисол бўла олади. Қадимги даврнинг сўнгги босқичида шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳларининг географияси иқтисодий алоқалар йўналишида содир бўлган муҳим ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Бу босқичда иқтисодий алоқалар Сирдарё ёқалаб эмас, балки воҳа ичига, маъданли хомашё манбалари томонга

караб ривожланган. Афтидан, бу ҳолат ёзма манбаларда қайд этилган, ўз тангасини зарб этган ва дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлган мустақил Шош вилоятининг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган. VI-VIII асрларда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини Ўрта Осиё вилоятлари, Кавказ ҳамда Яқин Шарқдаги бир қанча мамлакатлар билан боғлаган карвон йўлининг марказий тармоқларидан бири Шош ва чўл ҳудудлари орқали ўтган. Шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳлари тармоғи VIII асрда манзилгоҳларнинг айрим тизимлари ўсиб бораётган иқтисодий алоқалар таърисида ва сиёсий бирлик негизида аста-секин минтақадаги ягона ижтимоий тизимга бирлашиб борганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (Историкоархеологический очерк Чача и Илака). - Ташкент: Фан, 1987. - С. 28.
2. Буряков Ю.Ф. Бассейн среднего Яксарта в древности и раннем средневековье //Городская культура Бактрии – тохаристана и Согда. Античность, ранни средневековье. Мат. Совотско – Французского коллоквиума. – Самарканд, 1986. - С. 36
3. Исламов О.И. Зарождение и развитие геологических знаний в Средней Азии с древнейших времен до начала XIX столетия. Автореф. дисс. ... докт. ист.наук. - М., 1961.